




ЖАМИЯТ

№ 37 (714)
2020 йил
18 сентябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru



Қадрият қайтди

Ахир уйда, маҳаллада бўладиган тўйга нима етсин. Қайтаётсам, оппоқ ниқоб тақиб олган синфдош қизларимизни кўрдим. "Тўйни томоша қилгани кетяпмиз. Узоқдан бўлса ҳам келинчакни кўрайлик", дейишди. "Бир кунни сизларни ҳам томоша қилгани боришади", дея ҳазиллашиб, ўтиб кетдим.

3 саҳифада ўқинг!

Дарахтни кесиш эмас, буташ керак!

5 саҳифада ўқинг!



Жавобгарлик икки ҳисса оширилади

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мазкур соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ва маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёси ҳам мусодара қилиниши назарда тутилмоқда.

2 саҳифада ўқинг!

Ўзлигини англамоқ бўлсанг, Қаҳҳорни ўқи!



Ёзувчининг "Ўғри" ҳикоясида Қобил бобонинг ҳўкизи ўғирланиши, уни топиш мақсадида бобо эллиқбоши, мингбоши ва қозига совға — пора берса-да, ҳўкизи топилмаслиги акс этган. Ниҳоятда кичик бу ҳикояда жамият тарққиётига тўсиқ бўлаётган порахўрлик маҳорат билан очиб берилган.

6 саҳифада ўқинг!

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!**

Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали ташкил этилди.

Ташқи қарздан хавотир олманг!

Сир эмаски, ривожланган давлатларнинг ташқи қарзи ЯИМдан юқори бўлса-да, фуқаролари фаровон турмуш кечиряпти. Шундай экан, асл моҳиятни англамай туриб, бугунги воқеа-ҳодисаларга билар билмас ёндашувлар билан ижтимоий тармоқлар ва интернет оламида муштарийлари сонини ошириб, ўз мақсади йўлида асоссиз фикрлаётган нашрлар кўпайиб бормоқда. Бунга биргина мисол сифатида Ўзбекистоннинг кейинги йилларда жалб қилаётган инвестициялари ва бунинг натижасида ташқи қарз ортиб кетаётгани ҳақидаги хабарларни келтириш мумкин.

Сўнгги кунларда Ўзбекистон давлат қарзи, хусусан, ташқи қарз ва унинг таркиби бўйича маълумотлар эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда турли танқидий руҳдаги фикрлар авж ола бошлади.

Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз қолдиғи дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 19,4 миллиард доллар эквивалентини ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 34,0 фоизни ташкил этади. Шундан: 17,31 миллиард АҚШ доллари ташқи қарз, 2,1 миллиард АҚШ доллари эса давлат ички қарзидир. Ўзбекистон ташқи қарзининг асосий қисми минтақавий ва жаҳон тараққиёт банкларидан жалб қилинган.

Аввало таъкидлаш лозимки, давлат қарзининг мақбул даражаси ҳақида умумқабул қилинган ягона мезон мавжуд эмас. Ривожланган мамлакатларга нисбатан одатда давлат қарзининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи 60 фоиз бўлиши энг кўп эътироф этилган мезон сифатида қаралади.

Ҳўш, ҳақиқатда давлат қарзи даражаси бўйича ривожланган мамлакатларда аҳвол қандай? Масалан, Япониянинг давлат қарзи ЯИМга нисбатан 2019 йил якунлари бўйича 236,6 фоизни ташкил этган. 2020 йил якунига келиб, 250 фоизга чиқishi кутилмоқда.

Евроҳудудда давлат қарзининг ЯИМга нисбати кўрсаткичи 2020 йилнинг I чорагида ўртача 86,3 фоизни ташкил этган. Европа Иттифоқи бўйича давлат қарзининг ЯИМга нисбатининг ўртача кўрсатки-

чи 79,5 фоизни ташкил этган.

2020 йил I чораги ҳолатига давлат қарзининг ЯИМга нисбати энг юқори бўлган ЕИ давлатлари қаторига Греция (176,7%), Италия (137,6%), Португалия (120,0%), Бельгия (104,4%) ва Францияни (101,2%) киритиш мумкин.

Ҳаммаизга маълумки, давлат қарзининг таркибида 1 млрд. АҚШ доллари миқдорда Ўзбекистоннинг евробондлари улушига тўғри кела-

Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашини маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

ди. Ушбу облигацияларнинг эмиссия қилиниши билан иқтисодий тарихида янги босқич амалга оширилди, сабаби унга қадар мамлакатимиз халқаро фонд бозорларидан маблағлар жалб этган эмас эди. Бунинг асосий омилларидан бири – Ўзбекистоннинг очиқлик сифатини амалга ошираётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – мамлакатимизни суверен кредит рейтингга эга бўлиши билан изоҳланади.

Умуман, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан кўра 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашини маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

2020 йил апрель ойида эълон қилинган Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли кредит

рейтингини “BB” (барқарор) даражада эканлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистонга қўшимча ташқи маблағларни жалб этишга имконияти мавжудлигини англайди.

Шунингдек, олтин-валюта захирамиз импортни камида уч ой давомида қоплашига этишини инобатга олсак, биз ташқи қарзни бемалол жалб этишимиз мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Ташқи қарзни биринчи навбатда давлат дастурларини ва давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса, солиқ тушумлари бўйича берилётган таътилар даврида жалб этиладиган қарз маблағларини бюджет даромадлари ўрнини тўлдириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга, президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 24 январь куни Олий Мажлиси йўллаган мурожаатномасида: “Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинadиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижалорлигига жиддий эътибор қаратилади”, деган эди.

Демак, ташқи қарзни макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатини инобатга олган ҳолда жалб этиш давлатимиз томонидан ҳам алоҳида эътиборга олинishi белгиланмоқда. Ташқи қарзни мўътадил даражасини таъминла-масак, келажақда макроиқтисодий барқарорликка салбий таъсир этиши мумкин.

Мухтасар айтсак, Ўзбекистоннинг айна пайтда ташқи қарз олиши масаласи муҳим. Чунки пандемия давридаги иқтисодий ҳаракатсизлик ҳолатида ялпи талаб ва ялпи тақлифни таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни минимал даражада сақлаб туришга имкон беради.

Бундан ташқари, жалб қилинган ташқи қарзнинг мақсадли ва самарали фойдаланиши бўйича шаффофликни таъминлаш, бу борадаги ахборотларни кенг жамоатчиликка маълум қилинишини ҳам ижобий қадам сифатида баҳолаш зарур. Шу боисдан, ҳукумат томонидан олиб борилётган чора-тадбирлар ушбу олинadиган қарзларни самарали ишлатилишига кафолат бўла олади, деб ҳисоблайман.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисод фаилари доктори,
профессор

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида “Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари-га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар анчагина мунозараларга сабаб бўлди.

Жавобгарлик икки ҳисса оширилади



Мазкур қонун лойиҳасининг асосий ғояси – бу экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жиноят ва маъмурий жавобгарлиқнинг янги механизмларини амалга жорий этиш орқали ўсимлик дунёси объектларини, айниқса, дарaxт ва буталарни муҳофаза қилишнинг чораларини кўришдан иборатлигини ҳисобга олганимизда, айна вақтда жуда долзарб масала.

Бугунги кунда табиатни асраш, дарaxтларни муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Қонун лойиҳасининг мақсади ҳам дарaxтлар, буталар ва бошқа ўсимликларни гайриқонуний равишда кесиб, уларни йўқ қилиш, қундаков қилиш, шикастлантириш ёки кўчириб ўтказиш учун жинорий ва маъмурий жавобгарлиқнинг муқаррар эканлиги билан огоҳлантириш билан бу йўналишда профилактика ишларини олиб боришни ўзида ифода этади.

Таъкидланишича, лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат экологик назоратини амалга ошириш, шунингдек, жисмоний ёки мансабдор шахсларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини баргафат этишда жавобгарлик доирасини кенгайтириш ва кучайтириш белгиланмоқда.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят кодексига киритилadиган ўзгартишларга кўра, жавобгарлик чоралари аввалгисига нисбатан икки бараварга оширилмоқда. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мазкур соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ва маъмурий ҳуқуқбузарлиқнинг бевосита ашёси ҳам мусодара қилиниши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга жойларда ўзларига вақтинча ёки доимий равишда фойдаланишга ажратилган ёки бириктирилган майдонлардаги дарaxтларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганлик учун мансабдор шахсларга ўн баравардан йигирма бараваргача миқдорда жарима белгиланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан дарaxтлар, буталар ва бошқа ўсимликларнинг гайриқонуний кесилиши, йўқ қилиниши, шикастлантирилиши ёки бошқа жойга кўчирилишининг олдини олишга ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш орқали бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришилади.

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг “Фаровон ҳаёт қонуни устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Пахта териш машиналарини сотиб олиш учун кредитлар ажратилади.

Ҳар бир ҳужжат инсон манфаатларига хизмат қилсин!

2019 йилнинг 10 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.

Хўш, бу қонун халқ учун нима беради? Унинг қандай фойдаси бор?

Аслида ҳар бир қонун, ҳар бир давлат идораси ва унда хизмат қилаётган ходимлар, аввало, халқ учун, инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак. Ушбу қонуннинг асосий мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

Одатда ҳар биримиз кунда-кунора давлат идораларига иш билан борамиз. Кимдир корхона очмоқчи, яна кимдир олди-сотди шартномасини тузмоқчи ёки пенсиясини расмийлаштирмоқчи. Бошқа биров уй ёки бошқа бирор иморат қуриш ҳаракатида, яна кимдир ўқишини бошқа институтга кўчириши, хорижда олинган дипломини тасдиқлаштириши, илмий ёки ижодий фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш ташвиши билан юрибди.

Хуллас, ҳар биримиз уйда ёки ишда, ўқишда, кундалик ҳаётимизда керак бўладиган ҳужжатлар учун анча-мунча эшикларни очиб ёпамиз. Қаердадир ишимиз тез ва осон битса, яна қайсидир амалдорнинг олдидан ноумид қайтиб чиқамиз. Баъзида ҳужжатларнинг кўплиги, югур-югурлар силламинини қуритади. Ҳатто, баъзида қайсидир иш учун тўплаган ҳужжатларимиз нотўғри, яроқсиз чиқиб қолса, яна ҳаммасини бошдан бошлашга тўғри келади. Тўғрироғи шундай эди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳам имкон даражасида фуқароларни ортиқча даҳмазалардан халос қилиш, уларни қийнаётган муаммоларга тезроқ чек қўйиб, ишларини тезроқ битиришга ёрдам беришдан иборат. Қонун фуқароларнинг давлатта ва давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Масалан, қонуннинг 8 моддасида ўқиймиз:

“Маъмурий иш юритиш давомида манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган ҳақиқий ҳолатлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунига қадар ишончли ҳисобланади”.

Машҳур бир теленовелла эсингиздадир? Бир мансабдор ҳузурига иш билан келган фуқародан йиғирматача жойдан маълумотнома ва уларнинг ҳар бири ҳаққонийлигини исботлайдиган қўшимча ҳужжатларни талаб қилади. Энди сиз тақдим этган ҳужжатларни ҳеч ким “қалбаки” деёлмайди. Ва бу ҳужжат ёки маълумотларнинг ҳақиқий эканлигидан кимдир шубҳаланмаган бўлса, марҳамат, ўзи текшириб олаверсин. Бунинг учун сиз ҳаракат ёки ҳаражат қилишининг шарт эмас.

Ушбу қонунга кўра, маъмурий орган вакили манфаатдор шахс, яъни сизу бизга ўхшаган оддий фуқаро ўзинга керакли ҳужжатни олиш учун борган тақдирда, унинг тақлифлари, фикрларини эшитиши, агар улар ҳақ бўлса, инobatта олинishi шарт. Дейлик, сиз ўз талбиркорлик фаолиятингиз учун зарур бўлган ҳужжатни тегишли идорадан олмақчисиз. Ўз ишингизнинг паст-баландини сиз ўша идорада ўтирган мансабдордан кўра яхшироқ биласиз. Демак, ўша маъ-

мурий ҳужжатни тайёрлашда нима учун сизнинг фикрларингиз, тақлифларингиз тингланмаслиги керак?

10 моддада ўқиймиз: “Маъмурий тар-

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, маъмурий орган мумкин қадар қисқа муддатларда, кўпи билан ўттиз иш кунидан кечиктирмай, маъмурий ишни кўриб чиқиши ва маъмурий ҳужжатни қабул қилиши керак.

тиб-таомиллар очик, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши лозим”. Эътибор қилганмисиз, шу пайтгача аксерият маъмурий ҳужжатлар оддий фуқаро туғул унча-мунча тилшўнос ёки файласуф ҳам тушуниши қийин бўлган услубда тайёрланарди? Нима учун? Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва имтиёزلарни тушуниб олишлари керак эмасми? Қонунлар, ҳужжатлар модомики, инсонларга хизмат қилиши керак экан, у ҳамма учун бирдек тушунарли ва аниқ бўлиши ҳам керак-да?

Қонуннинг 13 моддасига кўра, агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига кўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз ичига олса, ушбу ҳужжатлар қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас.

Масалан, илгари айрим ташкилотларга ишга кирадиган ходимлардан паспорт нусхаси билан бирга турар жойидан маълумотнома, олий ўқув юрти дипломи билан бирга ўрта маълумот олинганини тасдиқловчи мактаб аттестати ҳам талаб қилинарди. Қизиқ, паспортнинг алоҳида саҳифасида фуқаронинг қаерда яшashi гербли муҳр билан тасдиқлаб қўйилган бўлса, маҳалла раисидан яна бир парча қоғоз талаб қилиниши кулгили эмасми? Ёки мактабни битирмаган бола институтга қабул қилинмаслиги ойдек равшан-ку? Умуман олганда, бунақа мисолларни истаганча келтириш мумкин. Қонун ана шундай мантиқсиз ҳужжатбозликнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши ҳам ушбу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Яъни фуқаро битта ишини битириши учун ўн та ташкилотга югуриб ҳам вақтини, ҳам нақдини, ҳам соғлиғини йўқотишига ҳожат қолмайди. Агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса, маъмурий орган зарур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, сизнинг иштирокингизсиз, бошқа идоралардан ўзаро ҳамкорлик воситасида олаверади.

24-моддада манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан

танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимоснома ёзиш, маъмурий органга озгаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Албатта, манфаатдор шахслар ҳам бу ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши керак.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, маъмурий орган мумкин қадар қисқа муддатларда, кўпи билан ўттиз иш кунидан кечиктирмай, маъмурий ишни кўриб чиқиши ва маъмурий ҳужжатни қабул қилиши керак.

Баъзида турли сабабларга кўра, ишни тўхтатиб туриш ёки умуман тугатишга тўғри келади. Шундай ҳолатлар ҳам қонунда аниқ кўрсатиб ўтилган. 37 моддага асосан тегишли органлар маъмурий иш юритишнинг фақат ушбу иш билан боғлиқ ҳолатлар қайсидир судда қўрилаётган бўлса, маъмурий иш юритишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этиб қолса, етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлса,

манфаатдор шахслар иштироки зарур бўлганда, у узрли сабабларга кўра етиб келолмаса, манфаатдор шахсининг талабига кўра маъмурий орган томонидан экспертиза тайинланганда ва бошқа бир қатор ҳолатларда иш тўхтатиб турилади. Иш тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, қайта тикланиши ва бу ҳақда манфаатдор шахсларга бир иш кунини ичида хабар берилади.

Маъмурий орган иш шу оғанда кўриш учун тегишли бўлмаса, айна шу иш юқори турувчи ташкилот ёки суд томонидан ёхуд бошқа ваколатли орган томонидан қўрилаётган бўлса, шу иш юзасидан илгари тегишли ҳужжат қабул қилинган бўлса, ариза ёки маъмурий шикоят уни тақдим этган шахс томонидан қайтариб олинса, ишни тамомлаш учун иштироки зарур бўлган манфаатдор шахслар узрсиз сабабларга кўра етиб келмаса, ишда иштирок этувчи жисмоний шахс вафот этса, юридик шахс тугатилса-ю, ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмаса, шу ва бошқа ҳолатларда иш тугатилиши мумкин.

Хуллас, анчагина салмоқли ҳажмга эга бўлган ушбу ҳужжат халқро қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, муайян ўрганишлар ва кузатишлардан сўнг қабул қилинган.

Албатта, ҳар бир қонун давлат идоралари, мансабдор шахслар томонидан чуқур ўрганилган, фуқаролар томонидан ижроси талаб қилинган тақдирда мукамал ишлайди. Зотан, ҳар бир қонун мамлакат тараққиётига, халқ фаровонлигига хизмат қилиши керак.

Рустам ЖАББОРОВ,
Адлия вазирлиги маъул ходими

Қишлоқда яшашнинг гашти бошқача. Эрталаб соат жиринглашидан эмас, хўроз қичқиригидан уйғонишнинг ўз ўрни, ўз завқи бор. Ўқув курслари учун шаҳарга йўлим тушса-да, дарров қишлоғимни соғинаман. Қани эди, ўзимизда ҳам ўқув марказлари бўлса, деб орзу қиламан. Келажакда қишлоғимиз марказида шаҳардаги каби ўқув марказ очиниши ният қилганман. Худо хоҳласа, ҳам савоб, ҳам даромад, деб ишни бошлаймиз-да...

Бир очик гапни айтсам, гашти бор ана шу қишлоғимизнинг одамлари охири пайтда “шаҳарлашиб” қолган эди. Ҳаттоки, қадриятлар унутилиб, “шаҳарча ким ўзар” бошланганди, десам, ишонаверинг. Ҳамма тўйини шаҳардаги тўйхоналарда қиладиган бўлди. Қишлоқликлар “қишлоқ”имизни деб, бир-бирдан ўзарга ҳашаматли тўйхоналарни танлашди, йил бўйи қилган деҳқончиликлари орқали топган даромадларини бир кунлик маросимга алмашишди...

Бувим “Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади”, деб кўп такрорларди. Тождор вирус туфайли бир тарафдан бутун дунё саросимага тушган бўлса, яна бир тарафдан одамлар исрофдан тийилди. “Қирқ кечаю, қирқ кундуз тўй берган халқимиз”, деб тўйига минглаб меҳмон қақирадиган қишлоқлар ҳам ўттиз кишига қаноат қиладиган бўлишди. Асосийси, бир вақтлар кўр-кўрона, кўз-кўз қилинган ҳашаматли базмларнинг бутун соддагина, файлигина ўтаётгани халқни хурсанд қиляпти. “Ўнта кўй нима бўлади?”, дейдиган аёллар ҳам “Болаларимиз соғ бўлишса бўлгани”, дея дуо қилиб ўтирибди.

Тунов кунни дўкнога чиққандим. Уч кўча нарида тўй бўляпти экан. Қўшиқнинг овозини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳайрият, қишлоққа қадрият қайтди, деб қўйдим. Ахир уйда, маҳаллада бўладиган тўйга нима етсин. Қайтаёт-

сам, оппоқ ниқоб тақиб олган синфдош қизларимизни кўрдим. “Тўйни томоша қилгани кетяпмиз. Узоқдан бўлса ҳам келинчакни кўрайлик”, дейишди. “Бир кун сизларни ҳам томоша қилгани боришди”, дея ҳазиллашиб, ўтиб кетдим. Уйга келсам, дадам билан ҳамсоя амаки сўхбатлашиб ўтиришибди. Беихтиёр ҳамсояннинг “Кўш-ни, бизни тўйга айтишмади-я”, дегани қулоғимга чалинди. Одатда бошқаларнинг сўхбатига қўлоқ туттишни ёмон кўрсам-да, дадамнинг жавобига қизикдим. Шунда дадам “Ҳа энди, бизни ўйлашган-да. Одам гавжум жойга қақириб, соғлигимизни хавф остида қолдиришмаган...”

Хуллас, тўй бўлгани яхши. Бўлганида ҳам меъёр билан, ортиқча дабдбасиз бўлгани яхши. Ахир ёш келин-куёвга бахтдан бўлак нима керак? Аммо баъзи катталар бахт деб, бойликни, қўша-қўша сарполарни назарда тутиб, биз ёшларга тўғри ўрнак бўлмаяпти. Минг ҳашамат бўлгани билан бир ҳикмат бўлмаса, ҳашаматнинг минглиги нолга тенг эмасми... Хуллас, тўй бўлса, тўйдайд бўлсин. Дув-дув гап бўлмаса ҳам дув-дув файз бўлсин.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОВЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси



Меҳнат мигрантларига ўзини ўзи банд қилган шахсларга белгиланган пенсия ҳисоблаш тартиби қўлланилади.



Тожихол Тоғаева 1978 йилда Қўшрабoт тумани ташкил топганини яхши эслайди. У шу пайтда эндигина ўзини мактаб кучоғида ҳис қилаётган, биринчи синфда алифбо сабоқларини ўзлаштираётган эди. Яна бир аҳамиятлиси, у яшайдиган аҳоли пункти туман марказига айлантирилди. Қарадики, шаҳарча типидagi қишлоғида ҳамма нарса ўзгара бошлади. Қисқа вақтда қатор маъмурий бинолар, мактаб, боғча, стадион барпо этилди.

Тиниб инчимас адбиркор

Тожихол уларнинг бари-га болалик кўзи билан қарар, туман марказида яшашнинг бахтли жиҳатларини ўзича ҳис этарди. Мактабга болалик давлари шундай ўтди. Навқирон туман марказининг аста-секин ўзгариши, ўзи тенги ўқувчиларнинг туманнинг узoқ-яқин қишлоқларидан марказга, олимпиада мусобақалари, спорт беллашувларига келишини кузатарди. У пайтларда автотранспорт масаласи ҳозирги даврдагидек эмасди. Кўчаларда онда-сонда юк машиналари кўриниб қолар, йўлдаги йўловчилар уларга чиқиб олиш учун ёппасига ёпирилди. Бундай ҳолат қишлоқлар билан туман марказининг боғланишида жиддий қийинчиликлар туғдирарди.

— Менинг ўша пайтлардаги энг катта орузим турмуш тарзимизнинг яхшиланиши, одамларнинг маънавиятли-маданиятли бўлиши, ёшларимизнинг спортга меҳр қўйиши, ўзимни эса ана шундай одамларга хизматига кўриш эди. Шу ниятда мактабда фақат яхши ўқишга, интизомли бўлишга интилим, китобга меҳр қўйдим, яхшилар билан дўстлашдим. Ҳали ташкил топганига кўп бўлмаган Қўшрабoт билан боғлиқ воқеаларни англашга ҳаракат қилдим, — дейди Т.Тоғаева. — Аммо биринчи синфдаги Қўшрабoт тумани ташкил топган бўлса, мактабни битирганимда у тугатилди. Бу менинг руҳиятимга таъсир қилмай қолмади. Одамларни кузатардим. Улар арзиманг ишларини битириш учун қишлоғимиздан 100 километр узoқликдаги Нурота тумани марказига бориб келишарди. Ўзим ҳам қандайдир юмушлар билан ана шу одамлар сафига қўшилганман, қимматли вақтинг беҳуда соврилишини ўшанда билганман.

Қаерда ўқишни давом эт-

тиришинг, қайси касбни танлашингдан қатъий назар ўз туғилган жойинг бир умр ёлдан кўтарилмайди. Тожихол она қишлоғини туман маркази сифатида ҳам севар эди. 1988 йилда Қўшрабoт худудининг бошқа кўшни туманлар тасаруфига бериб юборилиши эндигина касб танлаётган, олий ўқув юрти оstonасида турган Тожихолга ҳам таъсир қилган эди. У ўйлардики, шаҳарлардан, вилоят марказидан анча олис бўлган бу туман ҳаёти анчагина изга тушиб қолган эди. Энди эса яна ортга қайтиш бўлади, ободликка, кўркамликка юз тутаетган гўшалардан фойз қочади.

Хайрият, ундай бўлмади. Орадан бир йил ўтиб, ўтмай Қўшрабoт яна туман сифатида қайта ташкил топди. Туман маркази — Қўшрабoт шаҳарчаси яна гавжумлашди. Ташкилотлар, идоралар ўз ўрнига қайтди. Маданият, санъат, спорт масканлари ишлаб бошлади. Булардан ёш Тожихолнинг кўнгли гурурга, фахрга тўлди.

1996 йилда Тожихол Самарқанд давлат университети математика ихтисослиги бўйича битириб, вилоят ижтимоий таъминот бошқармасида иш бошлади. Вилоят ҳокимлигида, вилоят шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасида фаолият кўрсатди.

2007 йилдан она юрти Қўшрабoтдаги ТИП — 2 спорт мажмуасида директор вазифасида фаолият кўрсатди. 2012 — 2016 йилларда эса Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбарлик қилди. Ана шу йилларда у Қўшрабoт педагогика коллежини жисмоний тарбия йўналиши бўйича ҳам тугатди.

Тожихол ўзи раҳбарлик қилаётган спорт муассасаси спортчи ёшлари билан фахрланди, уларнинг вилоят, республика миқёсидаги мусо-

бақалардаги иштирокидан, кўлга киритган ютуқларидан қувонди. Спорт муассасаларида ишни ташкил этиш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар бўлиб етишишлари йўлида билим ва маҳоратини амади. Унинг кўплаб шогирдлари республика, жаҳон спорт майдонларида ўзларини кўрсатишди. Масалан, 2018 йилда спортнинг армрестлинг тури бўйича 3 нафар шогирди Осиё биринчилиги совриндори бўлди. Диёра Бозорова олтин, Шохиста

У шу ишлари билан чегараланиб қолмади. Яқинда Заркент шаҳарчасида ҳаммом ва “Кедри фито-сауна” қуриб, фойдаланишга топширди. “Малика эко лайф” деб номланган оилавий корхонага ҳам асос солиб, аҳоли учун “химчистка” хизматини йўлга қўйди. Бу корхонада 3 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари у “Sabrina bulding export” номли масъулияти чекланган жамият ташкил этди. Тадбиркорнинг бундан мақсади пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдир. Бунинг

фаолиятидаги имкониятлар ошди. Ишимизнинг бароридан келишида соғлом муҳит ва соғлом фикрнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда”.

Тожихол тадбиркорлар ўртасида йўлга қўйилган кўпгина танловларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, у 2017 йилда ўтказилган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловнинг туман ва вилоят босқичларида голиб чиқиб, танловнинг республика босқичида ҳам фаол иштирок эди. 2018 йилда эса мазкур танловнинг республика босқичида “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл” номинацияси бўйича совриндор бўлди. “Ташаббус — 2019” кўрик-танловнинг туман босқичида у бошлиқ “Мираж” оилавий корхонаси голиб чиқди ва танловнинг вилоят босқичида

— Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технология яқин кунларда Хитойдан келтирилади, — дейди у. — Бунинг учун шартнома имзолаб қўйдик. Ҳамкорларимиз узоғи билан бир ой мобайнида керакли технологияни келтириб, ўрнатиб беришади.



учун Хитой Республикаси ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

— Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технология яқин кунларда Хитойдан келтирилади, — дейди у. — Бунинг учун шартнома имзолаб қўйдик. Ҳамкорларимиз узоғи

катнашди.

Ғайратли тадбиркор аёл “Зарбуви она боғи” номи узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ҳам ташкил этган. Унинг жами ер майдони 60 гектар. Бу йил фермер хўжалигида 2 гектар ерга картошка, 20 гектар ерга буёдой, 12 гектарлик лалмикор ерга қовун-тарвуз экилди. 35 гектар ер узум, яъни ток қўчатлари экишга тайёр килинди, 1000 туп ҳар хил мевали дарахтлар экилди.

Артезиан қудуғидан сув чиқариб, даласини яшнатиб қўйгани, туман марказида “Фирдавсий гўнчалари” номи хусусий МТМ ташкил қилаётгани, айна пайтда мазкур МТМ қурилиш ишларини олиб бораётгани тадбиркор опанинг тиниб-тинчималегитидан далолат беради. Эътиборлиси, бу боғча ишга туширилгач, яна 20 нафар хотин-қиз ишли бўларкан.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Тожихол Тоғаева тадбиркорлик жабҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажариш, ўзи ташкил этган корхоналарга раҳбарлик қилиш билан бирга спорт соҳасида бошланган ишларини давом эттиришга ҳам вақт топаётти. У айна пайтда туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори ўринбосари сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Амир Темур бобомиз айтганларидек, битта ғайратли, ақли одам минглаб ўртамаёна, лоқайд кишилардан афзалроқдир. Агар у тадбиркор аёл бўлса, яна узoқ дашт худудида фаолият кўрсатса, эҳтимол, бу таърифга яна бир қанча мақтов сўзларини қўшиши мумкин.

Абдураул САТТОВ



Республика махсус комиссияси баёнига кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига асосланиб, дезинфекция туннеллари тақиқланмоқда.

Бирдамлик бўлсагина, муаммолар ҳал этилади

Сўнги йиллар мамлакатимиз тараққиётида туб ўзгариш ва бурилишлар бўлгани, тарих зарварақларига зарҳал битиклар билан битилиши барчамизни мамнун қилади. Мана шу ўтган қиса вақт барқарорлик ва тараққиётимизда янги тарихий даврни бошлаб бергани ҳам айна ҳақиқат.

Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон халқи мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига асос бўлувчи улкан югуқларни қўлга киритганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Миллий давлатчилик, маънавий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар қайта тикланди ва ўзгача чуқур маъно касб этмоқда. Мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мутлақо янги сифат bosқичига кўтарилди.

Халқимиз хотиржамлиги, бахтсаодати ва буюк келажагини ўзида мужассамлаган қонунлар асосида тинчликларвар ички ва ташқи сиёсат амалга оширилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам таъкидланмоқда.

Ўзбекистон қўшни давлатлар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамламоқда. Қондош ва қардош давлатларро дўстлик ҳамда барқарор тинчликни таъминлаш устуворлик касб этмоқда.

Боз устига бугунги кунда Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биологик хилма-хилликни қисқаришини олдини олиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши биргаликда кўрашиш, трансчегаравий муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, атмосфера ҳавоси ифлосланишини олдини олиш, айниқса сув ресурсларидан самарали ва ўзаро келишган ҳолда фойдаланиш борасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сўнги йилларда глобал экологик муаммолар кескинлашган шароитда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари соҳасида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Оролбўйи ҳудудда сўнги йилларда олиб борилётган жаҳонда андозаси йўқ иқтисодий-ижтимоий ва экологик ижобий туб ўзгаришлар алоҳида эътиборга сазовардир.

Сўнги йилларда қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг 10 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ортиқ қарорлари экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

ва аҳоли саломатлигини сақлашдаги ислохотлар самардорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 13 та халқаро конвенция, битимлар ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномага қўшилди. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича 4 та конвенция, трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги 2 та конвенция, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Киото протоколи ҳамда Париж битими, Озон қатламни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ва Монреаль протоколи, Чикиндиларни трансчегаравий ташишни тартибга солувчи Базель конвенцияси, Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси шулар жумласидан.

Дарҳақиқат, сўнги йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш борасида муайян тажриба орттирилди. Бироқ соҳадаги вазибаларнинг қўламини мамлакат миқёсида ва алоҳида минтақаларда экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади.

Мамлакатда давлат ва жамият курилиши соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар йў-

лидаги кейинги қадам сифатида Ўзбекистон Экологик партияси ташкил этилгани Ўзбекистон тарихида алоҳида саҳифа бўлди. Ўзбекистон Экологик партиясининг тузилиши мамлакатимизнинг экологик масалаларга юксак эътибор қаратилаётганининг ибратли намунаси сифатида намоён бўлиб, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг бренди бўлди.

Шу маънода давр талабидан келиб чиқиб жамоатчиликнинг хоҳиш-иродаси билан ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси сиёсий ташкилот сифатида жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда, ҳозирги ва келгуси авлодларга мусавфо табиатни, санитария-эпидемиологик осойишталикни, фуқароларнинг қўлай атроф муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган сайъ-ҳаракатларини амалга оширишда жамиятнинг бор қуч-салоҳиятини бирлаштириш ва сафарбар қилишга интиломоқда.

Партия электорати

атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича демократик жамиятнинг таянчи, соҳадаги жадал ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этувчи ва амалга оширувчи асосий куч бўлган, сиёсий-ижтимоий жиҳатдан энг фаол, жонкуяр инсонлардан иборат. Улар атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган, юртимиз ва халқимизнинг бугунги ва келажак тақдирини она-табиатнинг мусавфоллигисиз тасаввур этаолмайдиган, жамиятнинг барқарор ривожланиши — табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда, деб биладиган инсонлар.

Эзу мақсад йўлида бирлашиб шиддат билан ривожланаётган юртимизда бугунги кун талабларига монанд келадиган, амалга оширилаётган ислохотлар билан қадамма-қадам юриб, келажак авлодни келгусида қўлай шароитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қиладиган “Биз келажак учун жавобгармиз!” гоёсини ўзининг бош шиори ҳисоблаган Ўзбекистон Экологик партияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг саломатлигини сақлашга интиломоқда.

Маъмур масалаларни ҳал этиш учун тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар ишлаб чиқиш олдимиздаги муҳим вазибалардан биридик. Бунда экологик барқарорликни таъминлашда ҳуқуқий асос бўлган мажмуавий характерга эга Экологик кодексни ишлаб чиқиш бўйича ишлар жа-

даллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли чиқиндилар миқдорини камайтириш, сугориладиган ерларнинг 25 фоизгача майдонидида сувни тежовчи самарали технологияларни жорий этилишини таъминлаш, Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 млн. гектар ер майдонини ўрмонзорлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви таъминотини 100% гача етказишга эришиш, машиий чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмининг 40% га етказиш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш миқдорини 20% га етказиш, чиқиндини даромад манбаига айлантириш, полиэтилен пакетлар ўрнига биологик чирийдиган пакетларни жорий қилиш каби бир қатор йўналишлардаги ишларни фаоллик билан олиб бормоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон экологик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлари ва партиянинг кўп миң сонли фаоллари халқимиз фаровонлигини таъминлаш, инсонлар бахту камоли йўлидаги эзу ишларда диомо камарбаста бўлишга бор куч ва гайратини сафарбар этади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси

Дарахтни кесиш эмас, буташ керак!

Экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш борасида юртимизда тинимсиз ишлар олиб борилмоқда. Муаммо ва камчиликларни яхлит ҳолда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим вазибалардан.

Бу борада Ўзбекистон Экологик партиясининг Ангрэн шаҳар ва Оҳангарон туман партия ташкилотлари ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жорий йилда фуқаролар мурожаати юзасидан бир қанча муаммолар ўрганилиб, бартараф этишга эришилди.

Жумладан, Ангрэн шаҳар “Ёшлик” МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Собирова Севара томонидан Facebook ижтимоий тармоғига жойланган мурожатномага асосан партиянинг Ангрэн шаҳар Кенгаши ва Оҳангарон туман Кенгаши, ҳамда Ангрэн шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспектори ҳамкорлигида масала жойига

чиқиб ўрганилди. Маълум бўлдики, Ангрэн шаҳар “Ёшлик” МФЙ 5/4 даҳа 6 уй атрофидаги дарахтларга шаҳар ҳокими фармойишига қўра, ишлов бериш кераклиги кўрсатилган. Аммо маҳалла раисининг кўрсатмасига биноан, катта чинор дарахтининг ўрта қисмидан кесиб ташлашган ва яна бир нечта дарахтларга зарар етказилган. Бу ҳолат бўйича маҳалла раиси Г.Контунгансқавдан изоҳ сўраганимизда, дарахтларга шунчаки ишлов беришганини айтди. Лекин атрофдаги дарахтларнинг ҳолати бунинг аксини кўрсатиб турар эди. Ижтимоий тармоқлардаги видеоёзувларни кўрганимизда эса дарахтлар қай мақсадларда кесилгани яққол намоён бўлди.

Шундан сўнг, ўрганиш жараёнидаги ҳолатлар асосланган ҳолда даълолатнома тузилиб, керакли чоралар кўрилди. Маҳалла раиси эса ўз хатосини тан олган ҳолда тушунтириш хати ёзиб берди.

Бу каби кўнгилни хира қилдиган ишлар баробарида эзгу амаллар ҳам олиб борилмоқда. Шундай талбирлардан бири шаҳардаги деҳқон бозоридида ўтказилди. Бунда Ангрэн шаҳар Деҳқон бозори атрофида тозалikka рию қилиш ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бозор маъмурияти ва ходимлари партиянинг шаҳар Кенгаши раиси бошчилигида кўнгилли ёшларни жалб қилган ҳолда ҳашар уюштирилди.

Албатта, кўз олдида ёшларнинг қилаётган меҳнати, атрофга сочилиб ётган қағоз парчаларни ахлатларни йиғиштираётгани ҳар бир одамда уйғониш ҳосил қилиши табиий. Ор-номуси бор одам бунга кўргандин кейин қўлидаги кераксиз нарсани тўғри келган жойга эмас, 4-5 қадам юриб, махсус кўтига ташлайди. Бунинг замирида эса ўзлари билмаган ҳолда экологиямиз тозаланишига ҳисса қўшиб бораверади.

Ойбек ҚОРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Ангрэн шаҳар партия ташкилоти раиси



Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадаги гувоҳномага мажбурий алмаштириш мuddати 2021 йил 31 декабр гача узайтирилган (илгари 2020 йил 31 декабрь эди).

Ўзлигингни англамоқ бўлсанг, Қаҳҳорни ўқи!

Абдулла Қаҳҳор улуг адиб. У ҳаётда ва ижодда ўзига хос жиҳатлари билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради. Ёзувчининг сурати ва сийрати жуда мутаносибдир. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бир хил, бир маромда бўлган. Адибнинг шахсий фазилатлари у яратган роман ва қиссалар, ҳикоялар ва пьесалардаги қаҳрамонларда яққол намоён бўлган. А.Қаҳҳорнинг хос фазилатлари халқпарварлик, ватанпарварлик унинг “Кўшчинор чироқлари”, “Сароб” романларида, “Ўтмишдан эртақлар”, “Синчалак” қиссаларида, “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”) пьесасида реалистик руҳда берилган бўлса, “Тобутдан товуш”, “Оғриқ тишлар”, “Аяжонларим” комедияларида кўпгина иллатлар – ёлгончилик, лаганбардорлик, порахўрлик ҳажвий бўёқларда маҳорат билан очиб берилган ва танқид қилинган.

оғриқ қолди. 2. Ҳаммаёқ жим. Фақат пашша фингилайди, бемор инқиллайди. Ёзувчининг маҳорати шундаки биринчи гапда тўртга сўз орқали қисқа ва маъноли гап тузган. У “оғриб” сўзининг бир неча синонимларини (касал бўлиб, усал бўлиб, хаста бўлиб) билган, аммо бу сўзни қўллаш орқали, аввало, гапнинг қисқалигига (4 сўздан иборат) эришган, иккинчидан, таттирчанлик ва тушунарилиқни намоён қилган. Иккинчи гап шаклан учта мустақил гапда маҳорат ва синчковлик билан пашшанинг фингилаши, беморнинг инқиллаши орқали тасвирлайди. Алоҳида олинган бу гаплар ҳикояда бир бутунлиқни ҳосил қилади ва ҳикоянинг “Бемор” деб номланишига асос бўлган.

Ёзувчининг “Ўғри” ҳикоясида Қобил бобонинг ҳўкизи ўғирланиши, уни топиш мақсадида бобо элликбоши, мингбоши ва қозига совға — пора берса-да, ҳўкиз топилмаслиги акс этган. Ниҳоятда кичик бу ҳикояда жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган порахўрлик маҳорат билан очиб берилган. Асарнинг номланишига эса ҳикоя сўнгида порахўр амалдор томонидан айтилган куйидаги гап асос бўлган: Ҳўкизинг йўқолмасдан илгари бормиди ўзи?

ўзи ўтирган томондагисини қоқар, шунда симнинг кабинадаги учига осилган кўнғироқ жаранглаб, ҳайдовчини огоҳ этарди (у замонда салон электрлаштирилган эмас, кнопка қўйиш иложсиз эди). Ўртақдаги одамлар эса ёнидагилардан “симни қоқиб юборинг, мен тушмоқчи эдим”, деб илтимос қилган. Сим қоқиш хабар беришни англаган. Ушандан сал кейинроқ Ўзбекистонда телефон оммалаша бошлади. Бундан ҳам аввал кўнғироқ жаранлагани ва одамлар сим орқали алоқа қилгани боис, аналогия усулида “сим қоқиш” деб аталди кетган.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” пьесасида ҳам нопок шахс — Сухсуровнинг порахўрлиги персонаж тилидан очиб ташланади: “Жо-




фонетик, лексик-семантик, морфологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун адиб асарлари буйича турли йўналишларда луғатлар яратиш зарур. Айниқса, адиб асарларининг таснифий луғатларини тузиш, жумладан, ҳикоя, қисса, комедия, романлари буйича алоҳида-алоҳида частотали луғат яратиш Абдулла Қаҳҳорнинг сўз қўллаш маҳоратини, сўз бойлигини аниқлашга асос бўлади.

Ёзувчининг “Синчалак” қиссасидаги сўзларнинг частотали луғатини яратган С.Ризаев ва Н.Бўроновларнинг маълумотига кўра, қиссада 10590 та сўз қўлланилган: 6628 таси (62,59%) бир марта, 1625 таси (15,34%) икки марта, 1161 таси (10,96%) уч-тўрт марта, 611 таси (5,77%) беш-тўққиз марта, 565 таси (5,34%) ўн ва ундан ортиқ ишлатилган. Кўриниб турибдики қиссада бир марта учраган сўзлар миқдори икки ва ундан ундан ортиқ учраган сўзларга қараганда кўпроқ қўлланилган. Бу эса Абдулла Қаҳҳорнинг сўз танлаш ва қўллаш маҳоратини кўрсатувчи кўзгуридир. Адибнинг сўз бойлигини ўрганиш ҳозирги ўзбек тилининг луғат тизимини янги сўз ва иборалар билан бойитиши. Ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратидан баҳраманд бўлиш ёшларда сўзининг нозик маъноларини ҳис этиш, маъноли ва таъсирли сўзлаш, оғзаки нутқни ошириш, гап ва матнларни тўғри ҳамда хатосиз ёзиш, таҳлил ва таҳрир қилиш, ёзма саводхонлик малакасини шакллантиради.

Умуман, Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилининг маъно нозикликларини чуқур билгани учун асарларида халқимизнинг ажойиб фазилатлари билан бирга баъзи камчиликларини юксак бадиий савияда акс эттирган.

Нишонбой ҲУСАНОВ,
Тошкент молия институти
Ўзбек ва хоржий тиллар
кафедраси мудири,
филология фанлари
доктори



У талабчан ва синчков адиб. Қатор мақолалари ва учрашувларда бадиий адабиётга юксак талабчанлик билан ёндашган. Унинг адабий танқид ва адабиётга оид фикрлари нафақат ўша давр, балки бугунги кун учун ҳам ўта муҳим ва катта аҳамиятга эга: “Маълумки, адабий танқид асарга халқ мафаатлари, халқнинг талаблари нуктаи назардан баҳо беради, бунинг учун асарни мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам чуқур таҳлил қилиб, унинг фазилат ва нуқсонларини очиб беради”, “Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас”, Адабиётга ўғри мушукка ўхшаб туйнукдан ошиб тушадиганлар ҳам бўлади”, “Толстойнинг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқаверади”, “Асар агар катта адабиётга кирмас — асар эмас. Бордию, буй-

нидан бойлаб олиб кирилса, у оёқости бўлади”.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек тилининг фидойиси ва жонкуяри, сўзининг қадрига етадиган ижодкор сифатида ҳаётда сўзларни черти-чертиб, мантиқли гапирган, ўзига хос услублардан, қочирим ва сўз уйинларидан унумли фойдаланган. Шунинг учун адибнинг фикрлари тингловчининг қалбига кириб боради. Бир умр ёдида қолади. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тилининг товушларига оид синчков кузатишлари нафақат китобхонни, балки тилшуносларни ҳам лол қолдиради.

Бугун улуг адибнинг асарлари — роман ва қиссалари, ҳикоя ва комедиялари тилини ҳамда сўз бойлигини ўрганиш, аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Абдулла Қаҳҳор ҳар бир асариди сўзининг барча хусусиятларини — келиб чиқиши ва маъносини, тузилиши ва ишлатилишини чуқур мушоҳада қилган ҳолда қўллаган.

Адиб асарлари номлари яъни библионимларини ақл тарозисиди юз марта ўйлаб қўйгани учун ҳам ўқувчининг хотирасига мустақкам ўрнашди, ёдида қолади. Унинг асарларида қўлланилган сўз ва гаплар аниқ, лўнда, мўлжалга тегади, бирорта ортиқча сўз йўқ. Мисол учун, “Бемор” 1. Сотиболдиннинг хотини

Ёзувчининг “Ўғри” ҳикоясида Қобил бобонинг ҳўкизи ўғирланиши, уни топиш мақсадида бобо элликбоши, мингбоши ва қозига совға — пора берса-да, ҳўкиз топилмаслиги акс этган. Ниҳоятда кичик бу ҳикояда жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган порахўрлик маҳорат билан очиб берилган. Асарнинг номланишига эса ҳикоя сўнгида порахўр амалдор томонидан айтилган куйидаги гап асос бўлган: Ҳўкизинг йўқолмасдан илгари бормиди ўзи?

нини олгани келган Азроилдан ҳам пора сўрайди”. Баъзи танқидчилар “Тобутдан товуш” хунук ном дейишганда, Абдулла Қаҳҳор шундай жавоб берган: “Порахўрлар жамиятимизда тобутга тушган, ҳали қабристонга элтилгунча ҳам овоз чиқаради”.

Адибнинг “Шоҳи сўзана” асари дастлаб, “Янги ер” деб номланган. Ўтган асрнинг ярмида минглаб ёшларни янги ерларни ўзлаштиришига сабаб бўлган бу пьеса миллий руҳни ифодалаши учун ёзувчи томонидан “Шоҳи сўзана” деб ўзгартирилган. Ёзувчининг “Нутқ” ҳикоясида амалдорнинг никоҳ тўйларининг бир йиллиги муносабати билан хотинига “табрик нутқи” ниҳоятда расмий ва қуруқ эканлиги аччиқ кулги билан тасвирланган.

Абдулла Қаҳҳор асарларининг тилини ўрганиш, хусусан, адибнинг бадиий маҳоратини тадқиқ этиш ҳозирги ўзбек тилидаги сўзларнинг



Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Фуқаролар ҳолати доимий эътиборимизда

Ҳар бир фуқаро жамиятнинг тўлақонли ва ҳуқуқий аъзоси ҳисобланади. Унинг шахсини, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий манфаатларини, истак-хоҳишларини ҳисобга олиш давлат органлари ходимларининг, хусусан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мутасаддиларининг доимий эътиборида.

Шуни ҳисобга олган ҳолда бўлимининг ходимлари фуқаролар манфаатига мос ҳамда уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш йўлида изчил иш олиб бораётди. Албатта, ҳар бир фуқаро жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши учун биринчи навбатда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим. Бу борада бўлиминизга тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш ёки никоҳдан ўтиш истагида бўлган фуқаролар тез-тез мурожаат қилишади.

Бизнинг энг асосий вазифамиз бўлажак ёш келин-куёвларга, оила қуриш истагида бўлган ёшларга тўғри йўл кўрсатиб, тўғри маслаҳатлар беришдан иборат. Оила пойдевори мустақкам бўлса, ҳеч шубҳасиз бахтли ва сadoқатли оила юзага келади. Демакки, шонша шошарлик, юзаклик билан турмуш қуриб бўлмайди. Жамиятимизда содир бўлаётган кўплай ажримларнинг бош сабаби ҳам ўша оила пойдеворининг мустақкам эмаслигидадир.

Халқимизда “Куш уяси ҳам бузилмасин” деган доно нақл бор. Бу борада лайлақларга одамнинг ҳаваси келади. Қарангки, улар ўз уяларини жуда мустақкам ва пишик қилиб қуришар экан. Қолаверса, улар ҳечам бир-бирлари билан ажрашмас экан. Айрим оилалар учун лайлақлар ҳаётини ибрат қилиб кўрсатса бўлади.

Айни шу кунларда бўлимининг ходимлари тумандаги маҳалла ва муассасаларда жамоатчилик вакиллари билан биргалликда оилани мустақкамлаш йўлида ҳамкорликда иш олиб борилаётган. Эрта туғуруқ ва эрта никоҳланганининг олдини олиш, муддати ўтган туғилишни қайд этишга йўл қўймаслик мавзусида суҳбатлар ташкил этиб, маҳалла аҳли, ота-оналар

ҳамда кенг жамоатчилик билан мулоқотда бўлиб туриб-миз. Шунга қарамадан, туманимиз бўйича йил бошидан буён 15 та муддати ўтган туғилишни қайд этувчи гувоҳномалар ўз эгаларига топширилди.

Оқорида таъкидлаганимдек, нима бўлганда ҳам никоҳланувчи шахслар билан алоҳида изчил иш олиб бориш зарур. Энг аввало, улар билан дилдан суҳбатлашиш, дўстона мулоқотда бўлиш, ёшларнинг турмуш қуришлари учун тайёр ёки тайёр эмаслигини билиш жуда муҳимдир. Тўй қилишга ҳам шайланмаслик керак. Ҳозирги пандемия шароитида ўтказиладиган тўйларнинг 30 кишилик қилиб белгиланиши айни муддао бўлди деб ўйлайман.

Бундан ташқари, ота-оналар боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳнома олишда эътиборли бўлишлари талаб этилади. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 2020 йил 26 августдаги қарорининг 19 бандида шундай дейилади: “... Агар бола 16 ва ундан катта ёшда бўлса ва унга нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан расмийлаштирилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра қайд этилади”.

Хуллас, жамиятимизда шахсининг қимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қонуний тартибда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Арофат РЎЗИЕВА,
Куйи Чирчиқ тумани
ФХДБ бўлими муdiri

Она тилига ҳам ғурур керак

Она тилимиз ҳақида қанча кўп гапирсак, шунча кам. Бу тил бизга она суги билан синган, бу тилда мурожаатларимиздан тортиб, ички сезгиларимизни ҳам издор этиб келамиз. Бу тилда фақат бугунги аваз эмас, бутун дунёга ном таратган алломаларимиз том-том қўлэзмалар ёзиб, илм-фан равнақиға ҳисса қўшган.

Табиики, она тилимизни улуглаш учун бизда сабаблар бисёр. Таърифласак таъриф ва таснифнинг адоғи йўқ, Бироқ айни пайтда ўзбек тилини давлат тили сифатида сақлаб қолиш атрофида кўплай муҳокамалар бўлаётган бир пайтда, кўча-қўйдаги беўхшош талаффузлардан хуноб бўласан киши. Масалан: “борипман” сўзининг “борвомман”, “борумиз” ёки “ўзингиз” сўзи “ўзиз” СМСларда эса “ўзис” кўринишига келиб қолган.

Шевалар тилининг бойишига хизмат қилиши бор гап, ammo туппа-тузук сўзлардаги ҳарфларнинг тушиб қолиши ва асабни чарчатадиган ҳолда талаффуз этилиши тилни бойишига хизмат қилади деб ўйламайман. Эскилар билгич эди. Улар “нонинг ушоғи ҳам нон” деб бежиз айтмаган. Бу ибора фақат нон ҳақида эмас, умум инсоният атрофидаги бутун борлиққа те-

гишли. Инсон фойдаланадиган жами воситаларга тегишли эканини англамоқ, гап ичида келадиган ҳар қандай (хоҳ эга, хоҳ кесим, хоҳ боғловчию кўмакчи) сўз, бу бизга инъом этилган неъмат эканини тушуноғимиз керак.

Тўй-ҳашам ёки турли талбирларда суҳандондан тортиб, хонандагача “ҳар” сўзини “хар” деб талаффуз қилади. Бу бир қарашда одатий ҳолдек туюлиши мумкин. Суҳандон сўзга урғу бериш учун “ҳ” ҳарфини “х”га айлантираётгандир. Бироқ “ҳар” сўзи биттагина “х” билан “ошак” сўзига айланиши билмайдиларми ёки билиб туриб, билмасликка олиб “Хар бир инсон” деб айтадиларми?

Яна бир воқеани айтиб

берсам, яқинда юртимизда туғилиб ўсган рус миллати вакили билан танишиб қолдим. У ўзбекчани яхшигина тушунаркан ва қўлдан келганча гапираркан. Энг ачинарли тарафи эса унга адабий тил қондалари билан гапирсангиз мулақо ҳеч нарсани англамайди, кўча тилида гапирсангиз балодай тушунади. Бу ўзбекчани кўча тилида ўзлаштирган руснинг айби эмас, балки адабий тилдан узоқдаги кўча тилини ясаб олган ўзбек миллати ва халқиға мансуб сизу бизнинг айбимиз.

Оддийроқ қилиб айтганда, ҳазрат Навоийни мутолаа қилганда лугатсиз англай олмаيمиз. Нега? Ахир Навоий бизнинг аждодимиз, у сўз ясамаган, аксинча, халқ орасидаги сўзларни қўллашда ўз даврининг шоиру фузаларига ўрнак бўлган. Бунинг битта жавоби бор, биз борган сари сўз қўллашда ялқовлашиб борганмиз ҳамда лугатимиздаги кўплай сўзларни ижтимоий ҳаётимиздан бадарға қилганмиз. Асл адабий-ётимиздан, аждодларимиз қолдирган адабий меросдан узоқлашганмиз.

Миллий ғурур деган тушунча юқоридаги ҳолларда буй кўрсатиши керак. Биз, аввало, ичимиздаги сўзга бўлган ҳурматни тарбиялашимиз зарур. Ҳар бир айтадиган сўзимизни таҳлил қилишни ва унинг жазибасини ошириш йўллари сўзларни бузиб айтишдан эмас, лугат бойлигимизни оширишдан излашимиз керак.

Санжарбек САДУЛЛАЕВ,
Хоразм радиотелеузаши
маркази директори

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади

Эълон

2020 йил 19 октябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри “И.Кари-мов” кўчаси 163 уй 1 хонадонда очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадамба-қадам оиниши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Сурхондарё вилояти Ички Ишлар бошқармасига тегишли бўлган 7 (етти) дона автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

- 2003 йилда ишлаб чиқарилган 75/164 VSF давлат рақамли, “МАТИЗ” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 8 640 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган 75/559 САА давлат рақамли, “ТИКО” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 4 140 000 сўм.
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган 75/048 VSF давлат рақамли, “ВА321061” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 5 355 000 сўм.
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган 75/168 VSF давлат рақамли, “ВА32106” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 4 590 000 сўм.
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган 75/145 VSF давлат рақамли, “ГА35204” русумли автомашина-

сининг бошланғич баҳоси: 7 776 000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган 75/140 VSF давлат рақамли, “ЗИЛ-131НА” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 23 490 000 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган 75/528 VSF давлат рақамли, “Село Нексия” русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 11 205 000 сўм.

Автотранспорт воситалари билан Сурхондарё вилояти Ички Ишлар бошқармаси ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишингиз мумкин.

Оқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 19 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 3, 18 ноябрь ва 3, 18 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нухаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар вако-

латли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 2 (икки) кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “SURXON SAVDO INVEST” масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ “Трастбанк” Термиз филиали МФО; 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйилган ҳужжатларни икки нухсада топширишлари керак; жисмоний шахслар паспорт нухаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри “И.Кари-мов” кўчаси 163 уй.

Телефон: (93) 762-68-83

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таърих ҳайъати:
Рустам Комиллов
Борий Алиқонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллоев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ақтам Ҳайитов
Аҳдам Икромов

Газета таърихиянинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-914 Адади: 1052.

Жума кун чикади.

Қроғо бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiat@uzmail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилмиш шарт.

ЎЗА якуни:

Топширилган вақти: 18.25

1 2 4 5 6



Сенат томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун маъқулланди.

ЧОРВАЧИЛИК РЎЗФОРГА БАРАКА КИРИТАДИ

МАЪЛУМКИ, ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХАЛҚ БАНКИ МАСЪУЛ ЭТИВ БЕЛГИЛАНГАН. БУ БОРАДА ЖОРИЙ ЙИЛДА БАНК ТОМОНИДАН ХОРИЖИЙ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ВА БАНК ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН 116 ТА ЛОЙИҲАГА 102 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ХОРИЖДАН 1 МИНГ 760 БОШ НАСЛЛИ ҚОРАМОЛЛАРИ ОЛИБ КЕЛИНДИ.



Мисол учун, Хива туманида "ZOIRSHON SHOYOT" ФХга Украина давлатидан 115 бош насли қорамол сотиб олиш учун 3 миллиард, Гурлан туманида "GURLAN GO'SHTSUT" AGROSANOAT FIRMASIGa Нидерландиядан 64 бош насли қорамол сотиб олиш учун 1 миллиард 7 миллион, Қоровул туманида "MUSTAFO MUXAMMAD" МЧЖга Латвиядан 85 бош насли қорамол сотиб олиш учун 2 миллиард сўм ва Қўшқўпир туманида "Юсупбой Маткаримов" ФХга Австриядан 32 бош насли қорамол сотиб олиш учун 1 миллиард 640 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Йил якунигача четдан 6 минг бош насли чорва моллари олиб келишга 114 миллиард сўм кредит ажратилади.

Бундан ташқари, Халқ банки Хоразм вилояти филиали томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва озуқа-ем сотиб олиш ҳамда молхона биноси қуриш учун 63 та лойиҳага 20 миллиард сўм кредит ажратилди.

Вилоятдаги 149 нафар чорвадор Самарқанд Ветеринария медецинаси институтида Халқ банкининг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ўқитилди. Бунда чорвадорлар чорва молларини тўғри озиқлантириш ва

ветеринария хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба орттирди.

2020 йилда республика тижорат банклари томонидан жами 596 та лойиҳага 1 триллион 793 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига четдан 113 минг бош чорва моллари олиб келиш белгилан эди. Шундан Халқ банки томонидан 402 та лойиҳага 1 триллион сўмлик маблағ ҳисобига четдан 63 минг бош чорва моллари олиб келиш режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар банк томонидан 60 минг 852 бош чорва моллари олиб келиш учун 866 миллиард сўмлик 599 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг натижасида 394 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 42 минг 904 бош чорва

олиб келинади. Мазкур лойиҳалар ичида 2019 йил якунида молиялаштирилган лойиҳалар ҳам мавжуд.

Шулар қаторида банк томонидан Қорақалпоғистон Республикасида

Бугунги кунга қадар банк томонидан 60 минг 852 бош чорва моллари олиб келиш учун 866 миллиард сўмлик 599 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг натижасида 394 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 42 минг 904 бош чорва моллари олиб келинди ва 3 минг 482 та янги иш ўрни яратилди.

ҳам чорвачилик йўналиши бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда Халқ банки томонидан хорижий молия институтлари ва банк ўз маблағлари ҳисобидан 118 та лойиҳа 157 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Бунинг натижасида хориждан 1 минг 670 бош чорва моллари олиб келинди. Бунда Қорамол 1 минг 68 бош ва Қўй 602 бошни ташкил қилди.

Тўртқул туманида "ТУРТҚУЛ УЛГУРЖИ ОЗИК ОВКАТ САВДО" МЧЖга Латвия давлатидан 413 бош насли қорамоллар сотиб олиш учун 7 миллиард сўм, Амударё туманида "AMUDARYO SOHIL"

Фермер хужалигига Германиядан 341 бош насли қорамоллар сотиб олиш учун 8 миллиард сўм, Нукус туманида "SHOPAN ATA ERNAZAR" МЧЖга Австриядан 99 бош насли қорамоллар сотиб олиш учун 2 миллиард 450 миллион сўм ва Эликқалъа туманида "CHAYKA AZAMATI" ФХ Австрия давлатидан 93 бош насли қорамоллар сотиб олиш учун 2 миллиард 500 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Йил якунигача четдан 6 минг бош насли чорва моллари олиб келишга 60 миллиард сўм кредит ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сутни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва озуқа-ем сотиб олиш ҳамда молхона биноси қуриш учун 28 та лойиҳага 26 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 144 нафар чорвадорлар Самарқанд Ветеринария медецинаси институтида Халқ банкининг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ўқитилди.


Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг февраль ойида Нукус шаҳрида "Халқаро чорвачилик кўргазмаси" ташкил этилди. Кўргазмада 200 нафардан ортиқ чорвадор ва хорижий мутахассислар қатнашди. Унда чорва қандай олиб келинади, қандай боқилади ҳамда банкдан кредит олиш йўллари бўйича батафсил маълумотлар олишди.

Халқ банки Ахборот хизмати.



моллари олиб келинди ва 3 минг 482 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, 307 та лойиҳага ажратилган 394 миллиард 640 миллион сўмлик кредит ҳисобига четдан 35 минг 883 бош чорва моллари



Меҳнат мигрантларига микроқарзлар берилади.

КИСКА САТРАЛДА УҚИНИ!